

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИГА ОИД ХАЛҚАРО-
ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАРНИ ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

Турдибаева Мухаддас Бахтияровна

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети “Халқаро ҳуқуқ”
факультети магистранти*

Аннотация: Мақолада муаллиф суд ҳоқимияти мустақиллиги оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг назарий методологик асосларини, суд ҳоқимияти мустақиллиги принципининг халқаро ва миллий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиб, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ доктринасида, шунингдек универсал ва минтақавий халқаро шартномаларда халқаро стандарт тушунчасининг назарий жиҳатлари, суд ҳоқимияти мустақиллигига оид халқаро ва минтақавий ҳужжатлар комплекс тарзда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: суд ҳоқимияти, суд тизими, халқаро стандартлар, имплементация, инсон ҳуқуқлари, халқаро шартномалар.

Аннотация: В статье автор рассматривает теоретико-методологические основы имплементации международных стандартов независимости судебной власти в национальное законодательство, разрабатывает предложения и рекомендации по совершенствованию международных и национальных механизмов принципа независимости судебной власти. Теоретические аспекты понятия международных стандартов, отраженные в современной доктрине международного права, а также в универсальных и региональных международных договорах, подвергнуты комплексному анализу. В статье также исследованы международные и региональные документы, касающиеся независимости судебной власти.

Ключевые слова: судебная власть, судебная система, международные стандарты, имплементация, права человека, международные договоры.

Annotation: The article examines the theoretical and methodological foundations for implementing international standards of judicial independence into national legislation. The author develops proposals and recommendations for improving international and national mechanisms of the principle of judicial independence. Theoretical aspects of the concept of international standards, as reflected in modern international law doctrine, as well as in universal and regional international treaties, are analyzed comprehensively. The article also explores international and regional documents related to judicial independence.

Keywords: judiciary, judicial system, international standards, implementation, human rights, international treaties.

Дунёда суд ҳокимияти мустақиллиги ва одил судловга эришиш масаласи тобора глобаллашаётган даврда аҳамиятли ва долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг маълумотларига кўра, суд ҳокимияти мустақиллиги ва судьяларнинг ўз фаолиятларини эркин амалга ошириши ҳалигача хавф остида қолмоқда.

Судьялар ўз профессионал фаолиятларини амалга оширишларида таҳдидлар, аралашишлар, қўрқитишлар ва ўзбошимчалик билан қўлга олишларга дучор бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини такомиллаштириш одил судловга самарали эришишни таъминлаш воситаси сифатида баҳоланиб, ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ишнинг мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиш ҳуқуқини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни имплементация қилиш муаммолари, суд ҳокимияти мустақиллигининг институционал ва индивидуал жиҳатларини жорий қилиш, одил судловнинг ахлоқий-этик жиҳатлари ҳамда судьялар интизомий жавобгарлиги оид халқаро стандартларни такомиллаштириш, судьялар корпусини шакллантириш ва суд ҳокимияти ҳисобдорлигини татбиқ қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни имплементация қилиш, одил судлов самарадорлигини ошириш, халқаро рейтингларда мамлакатимиз ўрнини яхшилаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан 2019 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачисининг Ўзбекистонга таклиф этилиши ҳамда у томонидан БМТ Бош Ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 44-сессиясида Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллиги борасида эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар бўйича ўз маърузасини тақдим қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон қарори мисол бўлади. Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари билан боғлиқ суд ишларига аралашишлар ва ташқи босимни бартараф қилиш билан боғлиқ масалалар, суд раисларининг ваколатини вакиллик ва маъмурий функциялар билан чеклашнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, судьяларни танлаш ва тайинлаш ҳамда қайта тайинлашнинг мезонларини халқаро стандартларга мослаштириш зарурати, судьяларни тайинлаш билан боғлиқ бўлган қарорлар фақат Судьялар олий кенгаши томонидан, ижро ҳокимиятини жалб этмаган ҳолда қабул қилиниши

кераклиги, Судьялар олий кенгаши аъзоларини танлаш ва тайинлаш тартибини халқаро стандартларга мослаштириш зарурати, суд ҳокимиятини фақат республика бюджетининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириш зарурати, судьяларга нисбатан интизомий ишларни қўзғатиш бўйича ҳозирда мавжуд бўлган асосларнинг умумий ва кенглиги каби муаммолар бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ва изчил суд-ҳуқуқ ислохотларнинг туб замирида Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ғояси туради. Зеро, фақат қонунларга итоат қилган ҳолда адолатли қарорлар қабул қилиш суд органлари ва судьялар мустақиллигининг энг зарурий мезони ҳисобланади. Фақат шундагина, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон, Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши” мумкин бўлади.

Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро ва минтақавий стандартларни такомиллаштириш ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, British institute of international and comparative law (Буюк Британия), Federal Judicial Center (АҚШ), German Judicial Academy (Германия), The Sorbonne Research Institute for International and European Studies (Франция), The Legal Training and Research Institute of Japan (Япония)да олиб борилмоқда.

Бугун дунёда суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни имплементация қилишга оид қўйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: глобаллашаётган ва рақамлашаётган дунёда суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш; ўтиш даврида суд ҳокимиятининг ўрни ва роли; суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг замонавий муаммолари; суд ҳокимияти ва ҳисобдорлик; одил судловнинг ахлоқий-этик жиҳатлари ва судьялар интизомий жавобгарлигини такомиллаштириш; суд ҳокимиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш; суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартларни имплементация қилиш шакллари ва усулларни такомиллаштириш.

Халқаро ҳуқуқ назариясида мазкур муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси шуни кўрсатадики, илмий тадқиқотларда инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллаш, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг шаклланиши ва ривожланиши, суд ҳокимиятининг ўрни, судьялар корпусини шакллантириш каби масалалар ўрганилган.

Бугунги глобаллашув жараёнларида суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартлар универсал, минтақавий ва халқаро ноҳуқумат ташкилотлари доирасида қабул қилинган бўлиб, уларнинг айримлари

мажбурий тусга эга бўлган халқаро стандартлар ҳисобланса, аксарияти тавсиявий аҳамият касб этиши кўрсатиб берилди. Жумладан, Ўзбекистон қўшилган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт ва унинг назорат механизми мажбурий тусга эга бўлган халқаро стандарт ва механизмга мисол бўла олади.

Халқаро ва минтақавий ҳужжатларда ишнинг мустақил ва холис суд томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига оид нормалар тадқиқ қилинган. Хусусан, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-бандида “Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиладиганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга” деб қайд қилинган.

Одил судловга бўлган ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари билан бевосита боғлиқ бўлган умумэтироф этилган халқаро-ҳуқуқий норма ҳисобланиши (Л.Зайцева), бу ҳуқуқнинг илдизи ҳам табиий, ҳам ижобий ҳуқуққа бориб тақалиши, табиий ҳуқуқ “табиий одил судлов” концепцияси доирасида адолатли тартиботни ишлаб чиққани борасидаги ҳуқуқшунос олимларнинг (Peter W. Hogg, Bradley A.W., Ewing K.D.) илмий қарашлари ўрганилиб, демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳам айнан суд ҳокимияти мустақиллиги ҳисобланиши, бунинг учун судьялар ҳар қандай ташқи аралашлардан холи бўлиши лозим деб таъкидланган.

Илмий адабиётларда айрим тадқиқотчилар (Е.В.Бурдина, Д.А.Бурдин, Bacre Waly Ndiaye, Param Cumaraswamy) суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципи ҳокимиятлар тақсимланиши принциpidан келиб чиқиши, ушбу принципга мувофиқ, ижро, қонунчилик ва суд ҳокимиятлари бошқарувнинг учта алоҳида ва мустақил тармоғини ташкил этиши, бундай бўлиниш туфайли ҳокимият тармоқларининг биронтасига бошқа тармоқ ваколатларига аралашувига рухсат берилмаслиги борасидаги илмий қарашларига қўшилган ҳолда, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи мустақил ва холис суд ҳокимиятининг тамал тоши ҳисобланиши, суд ҳокимиятининг мустақиллиги унинг ишига ва қарорлари ижросига аралашмаслик орқали қўллаб-қувватланиши кераклиги, суд ҳокимиятининг институционал мустақилликка эга бўлиши, судьялар эса суд тизимининг ичида ва унинг бошқа институтларига нисбатан шахсий мустақилликдан фойдаланиши кераклиги ҳақида хулосага келинган.

БМТнинг “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари” таҳлил қилиниб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги деганда қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ҳам индивидуал, ҳам институционал мустақиллик тушунилиши, шунинг учун, суд ҳокимияти мустақиллиги бу ҳам менталитет,

ҳам институционал, ҳамда функционал механизмлар йиғиндиси ҳисобланиши асослаб берилган. Биринчиси фактга нисбатан судьянинг мустақиллигини англатса, иккинчиси эса суд органлари ва бошқа субъектлар хусусан, ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари ўртасидаги муносабатларни аниқлашга нисбатан қўлланилиши, бу суднинг ҳам ҳақиқий мустақиллигини, ҳам уни жамият томонидан тушунилишини кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. <https://president.uz/uz/lists/view/3324> 5 Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи www.europeanlawinstitute.eu, www.law.ox.ac.uk, www.law.columbia.edu, www.fjc.gov, www.rgup.ru, www.law.msu.ru, www.deutsche-richterakademie.de, www.uni-muenchen.de, www.ejtn.eu, www.pantheonsorbonne.fr, www.law.nagoya-u.ac.jp, www.courts.go.jp ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сон қарори <https://www.lex.uz/docs/4215422#undefined>
3. Сулайманов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар. / Монография –Т.: «Tafakkur qanoti», 2020. -336 б.
4. Специальный докладчик по вопросу о независимости судей и адвокатов <https://www.ohchr.org/RU/Issues/Judiciary/Pages/SRJudgeslawyersIndex.aspx>
5. Доклад Специального докладчика по вопросу независимости судей и адвокатов. Посещение Узбекистана. <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/Add.1>.